

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АУДИО-ВИЗУАЛ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ

Каримова З., ГулДУ ўқитувчиси

Маълумки, таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди. «Метод» юнонча сўз бўлиб, «усул» маъносини англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятларининг усулидир. Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усуллари ҳамда ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан йўналтириш йўллари англатади. Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёни қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш-ҳаракатларни бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳларга ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув-билиш фаолиятининг ташкил этилиши, ўқув ахборотининг узатилиши, қабул қилиниши, англаб олинishi, ёдда сақланиши, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлаш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилишига кўра таълим методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) Вербал (ўқув ахборотларини сўз орқали узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари ёки оғзаки методлар – хикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар);
- 2) Визуал (ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари ёки кўргазмали методлар – тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар);
- 3) ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар – машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар.

Буларнинг барчасидан ижтимоий-гуманитар фанларини ўқитишда фойдаланиш таълим самарадорлигини оширади. Таълимда кўргазмалилик методининг тасвирлаш, намойиш этиш каби турларидан фойдаланилади.

Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларнинг ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш аъзоларини алоҳида ёки бир йўла сафарбар қилишга имкон беради.

Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Восита – муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалдир. Таълим воситалари асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари, ахборот ва техник воситалар (қурилмалар), кўрсатмали қуроллар, рамзий белгилар, дарслик, ўқув қўлланмалари, радио, телевидение, компьютер, ДВД, видеомагнитофон ва ҳоказолардан иборат. Таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш – дарс жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар (предмет, схема, диаграмма, сурат ва бошқалар; намойиш этишга асосланувчи машғулотлар жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари, шунингдек, мавзуга оид далиллар (цитата, таъриф, қоида, формула ва бошқалар) нинг қўлланилишини англатади.

Визуал (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвирлар, тарқатма материаллар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фотосуратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвир, жониворлар, тарихий топилдиқлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар кириди.

Аудио-визуал воситалар, яъни бир вақтнинг ўзида эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвирлардан иборат.

Кўриш орқали хотирада сақловчилар – матн, схема, диаграмма, жадвалларни яхши эслаб қоладилар, хотираларида яхши сақлайдилар, уни қайта тиклайдилар.

Демак, бугунги кунда аудио-визуал воситаларни амалиётда қўллаш, таълим воситаларининг янги авлоди ва турларидан фойдаланиш дарс самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади ва кўргазмалиликни таъминлайди.

